

### Тошкентга қайтиб келишди

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Исом Каримов бошчилигидаги республикамиз давлат делегациясининг Саудия Арабистонига расмий таширфи нияҳосига етди. Қеча хабар берганимиздек, Ўзбекистон Республикасининг давлат делегацияси 12 апрель кун кечқурун Маккага учиб кетди. Меҳмонлар исломнинг иккинчи муқаддас шаҳри — Мадинага ҳам бордилар. Бу ерда саудиялик ишбилармонлар билан учрашувлар бўлиб ўтди. Шундан сўнг давлат делегацияси Ватанига жўнаб кетди.

Бугун Ўзбекистон Республикасининг Президенти Исом Каримов бошчилигидаги давлат делегацияси Тошкентга қайтиб келди. Тошкент тайрағоғида делегацияни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Шавкат Йўлдошев, Бош вазир Абдулҳошим Муталов, Тошкент шаҳар Ҳокими Аҳтамбек Фозилбеков, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

### Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг Қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА МАБЛАҒ БИЛАН ТАЪМИНЛАНИШНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1991 йилнинг 15 февралда республикада қабул қилинган жамоат бирлашмалари тўғрисидаги Қонун ҳақиқий мустақилликка эришиш, республикада иқтисодий-сиёсий вази ятни барқарорлаштириш йўлида жамиятни жиқлаштиришга умуман ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Шу билан бирга кейинги пайтда айрим жамоат бирлашмаларини ана шу бирлашмаларнинг рўйхатдан ўтказилган уставларида кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан қонунга хилоф равишда маблағ билан таъминлаш ҳоллари кейд этилимоқда.

Юқорида кўрсатилган қонунга амал қилган ҳолда ва унда кўзда тутилган қондаларни сўзсиз бажариш мақсадларида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раёсати қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Адалия вазирлиги «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида» қонунининг амалда қўлдан кўзда тутилган жамоат бирлашмаларининг уставларини улар ўз фаолиятларини, шу жумладан, ишчилик фаолиятларини, матбаа нашрларини маблағ билан таъминлаш мақсадлари хусусидаги декларация (декларация) тақдим этганларидан кейингина рўйхатдан ўтказсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Прокуратура, Давлат, солиқ Вош

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг ўринбосари  
**Б. БУГРОВ.**  
Тошкент шаҳри,  
1992 йил 3 апрель.

### \* Қурилиш майдонларида ЯНГИ ШАҲАРЧА БУЊЁДҚОРЛАРИ

СЕРГЕЛИ районда кўп қаватли бинолар қурилиш давом этапти. 31-қурилиш бошқармаси томонидан барпо этилаётган «Сергели-6» номли кичик шаҳарнинг ҳар бири тўққиз қаватли, 29 та уйдан иборат бўлади.

— Одамларнинг уй-жойга бўлган талаблари йил сайин ортиб бормоқда, — дейди участка бошлиғи Валерий Седих. — Аммо бу тикланаётган биноларни тез тоштириш баҳонасида, палатчиликка йўл қўйиш, дегани эмас. Шу боис, бу қурилишга илгор бригадаларни жалб этдик. Қурувчилар иш давомда фақат ўз ихтисослари билан чекланишмайди. Пайвандчи ўрни келса слесарлик билан ҳам шуғулланаверади. Иш суръатининг ошишида Абдурашид Шуқуров бошлиқ монтажчилар, Абдуҳамид Мирзаев бошлиқ пайвандчилар бригадалари аъзолари намуна кўрсатишляпти. Улар белгиланган ишчи муддатидан ун-ун беш кун олддин бажаришга одатланишган.

Бу меҳнат жамоасида ишчи кучининг асосини ёшлар ташкили этади. Улар билан сўхбатлашсанг, касбларига бўлган муҳаббатларини кўриб, завқлансан. Аммо бугунги шайрида кўпчиликда бўлганидек, уларда ҳам муаммолар бор.

○ Юрий ДОБРЮЛОВОВ, 1-монтажчилар бошқармаси қурувчиси:

— Мен мактабни тугатиб, бу жамоага ишга кирганман. Армия хизматидан кейин ҳам қадрдон ишнинг давом эттирайман. Бригадамизда тажрибали қурувчилар кўп. Гайса Халдулин, Юрий Ядиковлар 20 йилдан буюн ишлашади. Мен уларни ўзимга устоз, деб биламан. Чунки, улар ёшларга ҳам ғамхўр. Биздан сира тажрибаларини аяшмайди.

○ Василий КОРПУТИН, пайвандчилар бригадаси аъзоси:

— Биз одамларнинг бекам-кўст яшашлари учун уй қураимиз. Аммо ўзимиз уй олиш масаласида қийналяпмиз. Қурувчилар орасида ижарада турадиганлар бор. Тўғри, шаҳарда бундайлар кўпчилигини ташкил этади. Аммо икки йилдан буюн 31-қурувчилар бошқармаси ихтиёрига умуман уй ажратилмаётганини қандай тушуниш мумкин? Кейин, оладиган ойлик маошини ҳам етарли, деб бўлмайди.

— Қурувчилар дилида қанчалик «огриқ» бўлмасин, муҳини, улар меҳнат қилишляпти. Қурилиш керак бўлган барча бинолар пойдеворини қўйиб бўлишди. Иккинчи чорак охирида бешта тўққиз қаватли уйни қуриб битказишни кўзда тутишган.

Илҳом ЙЎЛДОШЕВ.

### ШОДИЁНАЛАР ДАВОМ ЭТАПТИ

ҚИҲГОС гуллаган олмазорлар соя-салқинига қўйилган столлар усти турли ноз-неъматларга тўла. Пазанда аёллар томонидан тайёрланган пиширилган дастурхона янада тўққизинчи баҳар этган. Бир томонда маҳалла хотин-қизлар кенгашининг раисаси Турсуноя Исмомлова бошлиқ бир гуруҳ аёллар сумалак пиширишмоқда. Иккинчи томонда эса ошпазлар натта дошқонда палов дамляшади. Бугун чойхоначи Мавлон Абдурахмоновнинг ҳам қўли-қўлига тегмайди.

Меҳмон — Киров районида қарашли Ғуломмаҳмуд Абдуллаев номли маҳалла комитетининг раиси Қўбил Зокиров, бир гуруҳ фаоллар иштирокида узоқ-қўридан келган меҳмонларни кутиб оляпти. Улар орасида Ўзбекистон Республикаси халқ депутаты Абдулла Ғуломмаҳмудов ҳам бор.

Рўзғарга қўйилган иккита сўрининг бирдан отахонлар, иккинчисидан онахонлар жой олишади. Соат 12.00 дастол атрофида қўйилган аёллар меҳмонлар ва маҳалла аҳли билан лиқ тўлади. Ўртага Қўбил Зокиров тушиб тўйлашларга маҳалла аҳли юмидан самимий миннатдорчилик билдириб, уларни бугунги айём билан табрикляпти. Кейин ҳамма бир дам сукут сақлаб дундан ўтган маҳалладошлар хотирасида эрта олади.

Шукроналар айтилди, дастурхона иссиқ таомлар тортилди. Маҳалланинг Раҳимжон Қўбиллов бошлиқ хавасорлар дастаси даврга янада фойда киритишди. Боғча тарбияланувчилари отахон ва онахонларга гулдасталар тандим этишди. Мақтаб ўқитувчилари «Темир хотин» спектаклидан сахналар кўрсатишди.

Наврўз айёмига бағишланган тантанادا шаҳар Ҳокими Аҳтамбек Фозилбеков иштирок этди.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.



Охунбоев номидаги бош кийимлар фабрикасида узоқ йилдан бери меҳнат қилаётган тажрибали ишчи-хизматчилар кўлаб топилади. Улардан бири Лолаҳон Абдурахмоновдир. Лолаҳон тугаткич-мотористка бўлиб 6 йилдан буюн ишлади. Уткун вақт мобайнида 2-дехнинг эришяётган муваффақияти учун кўп меҳнат сарфлади. Шунингдек, келгусини ўйлаб ёш ишчилардан шоғирдлар хай тайёрлаб, уларнинг мустақил ишлашларига ёрдам бермоқда.

СУРАТДА: Лолаҳон Абдурахмонова иш устида. Андрей Пинженко сурати.

### Ижтимоий ҳимоя—амалда ЁРДАМНИНГ КЕЧИ БЎЛМАЙДИ

ЯҚИНДА районимиздаги ёрдамга муҳтож, кам таъминланган ва боқувчисиз бўлиб қолган ёлғиз кишиларнинг 90 нафарини «Фаргона» қаҳвахонасига йндинг. Бир пайла чой устида уларни Мовараўнаҳр мусулмонлари идораси хайрия бўлими мудири Муҳаммад Бобир Йўлдошев кўтляди.

— Қашшоқ мўмин-мусулмонларга моддий ёрдам кўрсатишнинг кечи бўлмайди, — деди у. — Ислом аҳли томонидан хайрия бўлимига келиб тушган маблағлардан сизларга ҳам ҳада этишга келдик.

Сўнг у ва Мовараўнаҳр мусулмонлари идораси ходими Забиқулло Носиров тўлланган

90 кишининг ҳар бирига 100 сўмдан пул ҳамда биттадан сояч тарқатди. Моддий мадад олганлар Мовараўнаҳр мусулмонлари идораси ходимларига ва бутун Ислом аҳлига миннатдорчилик билдирдилар.

Районимиз ҳокимлиги ҳам янгида кам даромадли, боқувчисини йўқотган ва ёлғиз қарилардан 280 нафарига озиқ-овқат маҳсулотларидан ёрдамлашди. Айни кунларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарорига биноан ўзгалар қарамогига муҳтож бўлган нафақаўорлардан 56 нафари иссиқ овқат билан таъминланапти. Уларга иссиқ овқат учун талонлар берилган. Ҳар бири исстиқомат жойига қарн бўлган ошхоналардан оғатланади. Ундан чиқолмайдиган 25 кишини эса ходимларимиз мукамалашмоқдалар. Бевосита уларга қайриб, овқат тайёрлаб бермоқдалар, хоналарининг саранжом-саринишлягини таъминламоқдалар.

Хайр-эҳсон ва инсонларга ғамхўрлик соҳасидаги фаолиятимиз давом этаверади.

Назира АНВАРОВА, Собир Раҳимов район ҳокимлиги кишиларга ғамхўрлик кўрсатиш бўлими бошлиғи.

### \* Ҳақиқатлар диққатига ОБУНА НАШРЛАРИГА ҚЎШИМЧА ТўЛАНГ

ҚОҒОЗ, матбаа хизматларининг қимматлашиши обуна нашрлари нархининг ошишига олиб келди. А. Доно тўла асарлар тўланишининг 12, 13, 15-кичибларини олиш учун қўшимча равишда 11 сўм тўлаш керак бўлади. Сатра ва юмор кутубхонаси туркумиданги кин-ўз эгаларига қайтариб берилади. Нархи ўзгарган марказий ишончини манбаларга эга бўлади.

— Нархиётлардан ўзгартириш хусусида деярли ҳар кун бизга маълумотлар келиб тур

### ҲАМДУСТЛИҚДА

Телетомошабинлар 11 апрель кун Россия халқ депутатларининг сўзиди тўғрисидаги қатор қизқарли воқеаларнинг шоҳиди бўдилар. Шу кун сўзд савол-жавоблардан иборат маърузани тингламади, бироқ у тўла таркибда иш олиб бормди, ўз қарорларини тўзати. Лекин у ҳақда асосий хулоса чиқаришдан бошқа илож қолмади: Россия давлати ҳокимияти олий органининг фойдали ишларга қодир эмаслиги аён бўлди, шу босидан Е. Гайдар ҳукумати истефо берди.

13 апрель эрталаб Россия пойтахти вице-мери Москва ҳукуматининг бошлиғи Юрий Лужков истефо берди.

Россия халқ депутати Александр Ковалев Воронеж вилоятининг бошлиғи этиб тайинланди. Унинг аввали вориси бўлган Виктор Калашников шу лавозимда ишлаган пайтда ўзи, ўғли ва яқин кишиларини енгил автомобиллар билан таъминлаганлиги учун вазифасидан бўшатилган эди.

9 апрель кун кечқурун номаълум шахслар Грузия билан Россияни боғловчи темир йўлининг Абхазия участкасида бир неча портлашларни амалга оширдилар.

Душанбенинг марказий майдонида, ҳукумат уйи олдида сиёсий оппозициядагиларнинг митинги давом этмоқда. Майдонга ўрнатилган палаткаларнинг сони 230 тага етди.

Нижний Новгороддаги туғуруқхоналардан бирида бир ўрилли хона пайдо бўлди. Бу ерда кўзи ёриган аёл фарзанд дунёга келганиги учун 3,5—4 минг сўм тўлаш керак.

ХОРИЖДА

○ Мустақил Давлатлар Ҳамдустлиги Бирлашган қуроли кучлари Бош қўмондон авиация маршали Евгений Шапошников кеча расмий таширфи билан Францияга жўнаб кетди. У Франция мудофая вазир Пьер Жок билан учрашиб музокаралар олиб боради.

○ Финляндия Президенти Мауно Койвисто кеча бир кунлик таширфи билан Латвияга жўнаб кетди.

○ Франция Президенти Франсуа Миттеранинг Туркияга икки ҳафталик сафари бошланди.

### ОЛИЙГОҲДА ТИЖОРАТ МАРКАЗИ

○ Бозор иқтисодиёти бизни ишчанлик ва удавбурунлик кўрсатишга ундамоқда. Шу лайғача маданият ва халқ таъминини соҳасига давлат идоралари янги ҳўкморлик қилиб келди. Энди замон ўзгарди, ҳоким ўзини-ўзи маблағ билан таъминловчи билми юртлари юзига келмоқда. Яқинда Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият олий билимгоҳи қошидаги ўқув тижорат Маркази маданият ва тарбиявий муассасалар учун зарур бўлган мутахассислар тайёрлаб беравчи пулни тезкор гуруҳлар ташкил этди. Шу муносабат билан билимгоҳнинг иқтисодий масалалари бўйича профессор, доцент Шўхрат Усмоновнинг сўзига тортди.

Ишбилармонлик—бозор талаби

Улар учун фольклор-этнография дастаси ҳақда эстрада уюшмалари раҳбарлари, шоу-бизнес бўйича менежерлар, киши жамоасининг раҳбари, миллий байрам ва маросимлар, ўсимлар ва ишларнинг талабларини қондиришни ундай оладиган ишбилармон мутахассислар зарур. Биз ана шундай кишилар тайёрлашни ниат қилиб қўйганмиз. Учундан, янги ўқув тижорат Марказимиз маданият муассасаси ласлаш оладиган мутахассислар тайёрлаш хусусида тўхта эга. Унинг ани пайтда мавжуд ўқув тўртинболарида энг асосий фарқи ҳам ана шунда.

— Янги мутахассисларнинг ўзига хос талаблари ҳақда гапириб берсангиз!

— Тезкор гуруҳларимизда икки гуруҳ ўқитишнинг мўлжалланган. Биринчисига маданият, санъат олий билимгоҳлари, маданият оқартува техникумлари ва билми юртларини битказганлар кирди. Улар илгари олган касбларини янги йўналиш бўйича бойитиб, шунга оид дипломага эга бўладилар. Масалан, маданият оқартува техникумида хор хавасорларнинг тугатган киши кинобизнес ҳам бўлишни оруз қилиб юрган бўлиши мумкин. Биз бундай кишиларга иккинчи касбин эгаллашга ёрдам берармиз. Улар учун ахборот хизматини уюштиришчи менежер, нашриёт ва китоб савдоси корхоналари иқтисодчи-менежер, кино-теледиалокомпанияларнинг муҳаррирлари, кино-бизнес бўйича продюссер тайёрлаш курсларини очганмиз. Иккинчи гуруҳга эса ўрта махсус маълумотлар кирди.

Улар учун фольклор-этнография дастаси ҳақда эстрада уюшмалари раҳбарлари, шоу-бизнес бўйича менежерлар, киши жамоасининг раҳбари, миллий байрам ва маросимлар, ўсимлар ва ишларнинг талабларини қондиришни ундай оладиган ишбилармон мутахассислар зарур. Биз ана шундай кишилар тайёрлашни ниат қилиб қўйганмиз. Учундан, янги ўқув тижорат Марказимиз маданият муассасаси ласлаш оладиган мутахассислар тайёрлаш хусусида тўхта эга. Унинг ани пайтда мавжуд ўқув тўртинболарида энг асосий фарқи ҳам ана шунда.

— Янги мутахассисларнинг ўзига хос талаблари ҳақда гапириб берсангиз!

— Тезкор гуруҳларимизда икки гуруҳ ўқитишнинг мўлжалланган. Биринчисига маданият, санъат олий билимгоҳлари, маданият оқартува техникумлари ва билми юртларини битказганлар кирди. Улар илгари олган касбларини янги йўналиш бўйича бойитиб, шунга оид дипломага эга бўладилар. Масалан, маданият оқартува техникумида хор хавасорларнинг тугатган киши кинобизнес ҳам бўлишни оруз қилиб юрган бўлиши мумкин. Биз бундай кишиларга иккинчи касбин эгаллашга ёрдам берармиз. Улар учун ахборот хизматини уюштиришчи менежер, нашриёт ва китоб савдоси корхоналари иқтисодчи-менежер, кино-теледиалокомпанияларнинг муҳаррирлари, кино-бизнес бўйича продюссер тайёрлаш курсларини очганмиз. Иккинчи гуруҳга эса ўрта махсус маълумотлар кирди.

Сўхбатдош Виктор АЛИМАСОВ.

### ЖИПСЛАШИШГА ДАЪВАТ

КЕЙИНГИ пайтда жойлардаги раҳбарларнинг сая-ҳаракатлари ва ташаббускорлиги туфайли кўп қаватли уйларда яшовчи нафақат ўзбек оилалари, балки барча миллат вакилларини бир-бирларига яқинлаштириш ва яқин қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадида мавзала маҳалларга айлантирилиб, кўп савобли ишлар қилинмоқда.

Кун кеча 6-мавзела «Халқлар дўстлиги» маҳалласи ташкил этилиши муносабати билан дастурхон эъланиб, шу ерда исстиқомат қилувчи ўндан ортиқ миллат вакилларига сумалак ва ош тортилди. Унда Қилонзор район ижроия комитетидан ва бошқа маҳаллардан ҳам вакиллар қатнашдилар.

Тантанادا сўзга чиққан район маҳаллалар ишчи мувофиқлаштириш шўбаси мудирининг муовини Абдусаттор Абдуҳалилов барчани шу кунларда республикамиз бўйлаб кезаятган Наврўз байрами билан кўлаб, ҳозирги оғир дамларда ахлини сабр-бардошли бўлишга ва жипслашишга даъват этди.

Исмомил ЗОИРОВ.

### ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАДИ

ОКТАБР райондаги дорихоналар сони ана биттага кўрайдиган кунга қўйилди. Кун кеча фойдаланишга топширилган 169-дорихона ўз фаолиятини бошлади.

— Дорихонамиз ихтисослашган шифохонага ҳамда 22-инидаги таварак-атрофда яшайдиган 29 минг аҳолига хизмат қилиши мўлжалланган, — деди дорихона мудири Фазлиддин Содиқов. — Ени-



Тошкент полиграфия компанияси ижара усулида иш бошлагандан сўнг бу ерда қилинаётган ишларнинг софити ва озуғатмаларининг сони янада ортиб бормоқда. Корхонадаги ҳаракатланаётган ҳар бир дастгоҳ ўз хусусиятига эга. Улар ичида 4-рашгиди босма машинаси фирманингинг далилидир. Айнан шу дастгоҳда энг юқори маҳкали ишчилар меҳнат қилади.

СУРАТДА: (чапда) матбаа иши ёрдамчиси Эриш Алиев ва бригадир Рашид Абдуллаев.

Рустам Шарифов сурати.



Тошкент полиграфия компанияси ижара усулида иш бошлагандан сўнг бу ерда қилинаётган ишларнинг софити ва озуғатмаларининг сони янада ортиб бормоқда. Корхонадаги ҳаракатланаётган ҳар бир дастгоҳ ўз хусусиятига эга. Улар ичида 4-рашгиди босма машинаси фирманингинг далилидир. Айнан шу дастгоҳда энг юқори маҳкали ишчилар меҳнат қилади.

СУРАТДА: (чапда) матбаа иши ёрдамчиси Эриш Алиев ва бригадир Рашид Абдуллаев.

Рустам Шарифов сурати.



# ЯМОҚЧИ

(Ҳикоя)



\* Умрбоқий расм-русумларимиз

## МАНЗУР БЎЛДИ

ЭРТАЛАБДАНОҚ шахримизнинг Максим Горький номидаги маданият ва истироҳат боғи меҳмонлар билан гавжум бўлди. Дастурхонлар усти ҳар хил ноз-неъматларга тўла. Бир қозонда сумалак, иккинчисидо ош пиширилмоқда. Карнай-сурнайларнинг сеҳрли садолари ҳавони зириллатади. Ногороу чилдирмаларнинг овози узоқларга таралади.

Тошкент шаҳар ва вилоят маҳаллий саноат, коммунал хўжалик ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари касаба уюшмаси ходимлари ва ишчилари Наврўз байрамини нишонлаш учун берга ташир-риф буюришган.

Шодийнани олиб бораётган ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фазлиддин Фаёзов табрик учун сўзни Тошкент шаҳар маҳаллий саноат, коммунал хўжалик ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ходимлари касаба уюшмаси кўмитасининг раиси Акбар Носировга беради.

Табрик сўзидан кейин дастурхонга сумалак ва ош тортилди. Меҳмонлар хонанда Малоҳат Зокирова ижросидаги кўшиқларни тинглаб, Нарғиза Ҳошимованинг шўх рақсини томоша қилдилар. «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси «Нозил ёр»



бадий ҳаваскорлик дастасининг хушовоз хонандалари ижро этган «Сув бўйида» ва «Қизгина» каби ўзбек халқ кўшиқлари йиғилганларга манзур бўлди. Қизларнинг миллий мусиқалар садоси остида тушган рақслари кўпчилик қалбига қувонч бағишлади.

Собир Раҳимов районидagi 24 болалар уйи ёш ижрочиларнинг чиқиши ҳам заводи бўлди. **Ғани ЕСЕНОВ.**

СУРАТЛАРДА: тантаналардан лавҳалар. **Даврон Аҳмад суратлари.**

\* Олий таълим: изланишлар, ечимлар

## МАКТАБДАН КЕЙИНГИ ТАРБИЯ

Яқинда Каунас шаҳрида бўлиб ўтган собиқ Иттифоқ педагоглар уюшмасининг навбатдаги йиғилиши ўсиб келаётган ёш авлоднинг ижтимоий тарбиясига бағишланди. Унда асосан ҳозирда биз учун янгилик бўлган ижтимоий педагогика фанининг ўқитилиши йўлга қўйиш масалалари кўриб чиқилди. Бу фанининг келиб чиқиши, мақсади ҳусусида сўзлаб бериш учун Янгилар иштирокчиси, Низомий номида Тошкент давлат маълумотлар таълим институти уюмий педагогика кафедрасининг мудири, педагогика фанлари доктори, профессор Ботир Мирзавахмедова мурожаат қилди.

Ижтимоий педагогика фани умуман олганда республикамиз элидаги ушбу фанининг бўлиши мумкин. У қарийб 50 йилдан бери Европа мамлакатларида алоҳида фан сифатида ўқитиб келинади. Унинг асосий мақсади жамиятда рўй берадиган воқеа-ҳодисаларнинг келиб чиқиши, моҳияти, ривожланиш қонуниларини ўрганиш, шунингдек турли ижтимоий келишмовчиликларни ҳал этиш, салбий ҳодисаларнинг олдини олишдир. Бир сўз билан айтганда, жамият аъзолари, турли ижтимоий гуруҳларнинг ўзаро муносабатлари замирида турли муаммоларни ҳал этиш, зарур чоралар кўриш унинг вазифасига кирилади. Масалан, маълум ҳудудда истиқомат қилувчи турли миллат вакиллари, шунингдек эриши билан жамоа ҳўжалиги аъзоси фарзандларининг ўзаро муносабатлари ёки кишиларнинг динга, спортга, маъжуд иқтисодий шароитга бўлган муносабатлари ва ҳоказо.

Ижтимоий педагог мутахассисларини тайёрлаш қай йўсинда олиб борилади ва улар қайси муассасаларда фаолият кўрсатишлари мумкин!

Бу соҳа алоҳида ағалишдан маълум бўлиб турибдики, педагогика олийгоҳлари ёки доринфунунлар қошида таълим этилади. Уқини битириб чиққан ёшлар фақатгина таълим тарбия муассасаларида эмас, балки исталган корхона, ташкилот ёки муассасаларда иш олиб боришлари мумкин. Улар ишчи, хизматчиларнинг иш жойидаги ёки ишдан ташқари фаолиятларини ўрганишади. Қизилчиқ, эҳтиж ва муаммоларини ҳисобга олиб, илҳом борича уларда соғлом турмуш тарзини таъмин этишади. Бу эса корхонанинг ишлаб чиқариш самарадорлиги ортисида ҳам ҳисса қўшади, албатта. Бундан ташқари, айтилик маълум бир район қошида ижтимоий педагоглардан тузилган гуруҳлар иш олиб боришлари мумкин. Улар айнан ана шу райондаги ёшларнинг камол тош пишида дуч келаётган муаммоларини ҳал этишади. Маош эса ўша район халқ таълими бўлими томонидан тўланади.

Мақtab ўқитувчиси ўз соҳасини, яъни физика, математика ёки адабиётни яхши ўзлаштирган бўлиши мумкин. Аммо у яхши тарбиячи бўлаётганда болага билим берсинми ёки ўзини акратилган соғлом давомида болага билим берсинми ёки тарбия қилсинми. Мақtab билан микросоциумларнинг мақtab-садлари ягона, аммо мақtab маъмурияти асосан унинг мақtab ҳаётига маъсул бўлса, микросоциумлар асосан унинг мақtabдан кейинги фаолиятини ўз зиммасига олади.

Охири вақтда таълимнинг тарбиявий йўналиши катта аҳамият касб этмоқда. Бунинг устига ўқувчи ёшларни дордан ташқари вақтларини уюштириш ишида нафақат айрим, балки барча ўқув предметларидан олган билимлар иш беради. Шу муносабат билан ижтимоий педагогика мутахассиси нафақат ўқув предметлар мазмуниндан хабардор бўлиши, балки таълимчилик қобилиятига, маънавий маданиятга эга миллий қадриятларни ўқувчида муҳасамалаштирган бўлмоғи доркор.

Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ сўзбашлади.

## «САДО» САҲИФАЛАРИДА

СОҒЛИҚНИ сақлаш ишлари дунёнинг энг йирик саноат ишларидан бири ҳисобланади. Бу соҳада ўзинга ҳос ишлар билан шуғулланиладди. Инсон ҳаётининг муҳим аҳтисобларидан бири соғлиқни сақлашдир. Уни яратиш учун бу соҳага тегишли бутун аҳтисобнинг таъминлаш керак.

лаш ишлари энг муҳим муаммолардан бири ёшлар ўртага чиқди. Ўша вақтда уларнинг соғлиқни сақлаш ишлари билан шуғулланиладди. Инсон ҳаётининг муҳим аҳтисобларидан бири соғлиқни сақлашдир. Уни яратиш учун бу соҳага тегишли бутун аҳтисобнинг таъминлаш керак.

## \* Хоҳ ишонинг, хоҳ... ЮЗ БЕШИНЧИ РАФИҚА

ИТАЛИЯЛИК Жованни Виглиотто 35 ёшгача 105 марта ўқитилганга улгурди. Ораси урт

оидан бўлган ҳар бир ниқошнинг 26 таси Америка Қўшма Штатларида, 15 таси эса дунё

нинг бошқа мамлакатларида ўқилди. У бундай тақаббуриликда 50 та сохта исми-шарифдан фойдаланган. Унинг ягона қонуний рафиқаси Жоан Билс бўлиб, Виглиотто унга уйланганда (1949 йил Корейда) 19 ёшда эди. У йил бирга яшаган унинг кувалик саргузашти бошлан

лаб давлат соғлиқни сақлаш хизматини оммавийлаштирган биринчи Европа ўлкаси ҳисобланади. Англияда бир фуқаро турингандан тортиб то мазоратга бутун соғлиқни сақлаш давлат тарафидан пулсиз таъминланади. Ҳар бир фуқаронинг соғлиқни сақлаш бор. У билан докторга боради ва текнига даволанади. Бироз дорид оладиган вақтда белгиланган бироз пул тўлайди. Агар ишсиз бўлса ёки 65 ёшга кирган пенсионер бўлса ёки мактаб боласи бўлса унга ҳам пул тўламайди. Инглиз системасида ҳар бир инглизга ту

Виглиотто 104-март Шарон Кларк билан ниқоҳдан ўтган, хотини ва қайночасининг уйини сотиб, 50 минг доллар пул билан гоёиб бўлди. Шарон эса алам устида эридан қасос олиш ниётида ўзини «изқувар» ўлади. Куза кунда эмас, кунинда синида деб бежиз айтишмайди. Орадан олти ой ўтган

Виглиотто 105-рафиқаси Билл Флоридида кўлга туширишди. Қўбўямачилиги ҳамда кўпхотинилиги учун Виглиотто 34 йиллик қамқоқ жазосига ҳукм этилди. Сууда унинг 105-хотини эрига тазорқ жони узинишнинг тиледи.

Бун қараганки, тилек имобатга ўтди. Виглиотто Аринда қамқоқонасида минсага мон куйилиб олмадан ўтди. Дафн маросимига марҳумнинг 105 хотинидан ҳеч бири келмади. **Русчадан Анвар АБДУЛЛАЕВ таржимаси.**



Ота-боболаримиз касбини давом эттириш муқаддас бурч саналади. Сиз суратда кўриб турган ўсириллар пойтахтимиздаги мактаб ўқувчилари республика саройининг миллий нақш тўрагада ўта нозик бўлган санъатнинг сир-асрорларини ўрганшмоқда. Улар ана шу соҳада ажодларимиз эришган шон-шухрат поғоналарига кўтарилгиси ажабмас.

Равилъ Альбеков сурати.

\* Бизни ўйлантираётган муаммолар

# МИСҚОЛЛАБ ТОПИЛГАН

Дарҳақиқат, мисқоллаб топилган обрўни йўқотиш учун баъзан ҳатто дақиқалар кифой қилади. Шу боис ҳам доимо ён-атрофдагилар, каттаю-кичик оқидда ўз обрўнимизни сақлашга ҳаракат қиламиз.

Афсуски, ораминда шундай кишилар борки, ўзларини тўтишлари, хатти-ҳаракатлари билан кўпчиликининг назарига ёмон таассурот қолдираётганларини ўйлаб кўрмайдилар. Улар одатда...

балки иш жойининг нуфузига путур етказиб, обрўсини кетказиб қўйишимиз мумкин. Ҳозир республикамиз, шаҳримизга ўзга юрлардан кўлаб меҳмонлар ташриф буюраётган бир пайтда миллиямиз обрўни, кадр-қимматини мустаҳкамлаш ҳар қачондан ҳам зарурдир.

### УЙДА

НУРУЛЛА ишдан келса умр йўлоши оstonада уни кутиб турибди. Кўринишидан нимадандир хафа.

— Тинчликми? — сўради у хавотир билан.

— Қизингизнинг тоби қочиброқ турибди. Ўхтирга олиб бормасак бўлмайди.

— Ҳозир жуда зарчаб келдим, — деди Нурулла бироз рўйхуш бўлиб.

Хотини тўлиб турган эканми, унинг бундай муомаласидан кейин жеркиб ташлади.

— Шунангиз-да, машинангизга ўйнашларингизни солиб юришин биласиз. Ўз болангизга эса жонингиз ачмайди.

— Ўз хотин, оғзингиз қараб гапиргин, — тўтоқиб кетди Нурулла ҳам. — Агар хақингизни ўчирмасанг даҳанингиза мушт тушираман.

Аёл бўш келмади. Оқибатда жанжал авнига чиқиб, Нурулла хотинига қўл кўтарди...

Район ҳалқ судининг сайёр мажлиси Нурулла истиқомат қиладиган маҳаллада бу масалани муҳокама қилиб, тегишли хужум қилди.

Нурулла қийинчиликдан пушаймон эканлигини айтиди. Умр йўлоши билан ярашиб, ҳозир уч фарзанди билан бирга яшашмоқда.

Хўш, бу билан биз нима демоқчимиз. Гап шундаки, эр-хотин оғзинга вазиброқ бўлишганда иш судгача бориб тақалмас эди. Чунки бундай воқеалар, ўзаро келишмовчиликлар ҳар бир хонадонда юз бериб туради.

Эр кечқурун ишдан келганда уй бекасиз унинг кайфиятини зийраклик билан аниқлаб, яхши муомала қилса одам гулистон эди.

Ойла сирга ташқарига чиқмаган бўларди. Маҳалла-қўй, қўни-қўшни ва қариндошлар оқидда бошинг эгилиб, мулазам бўлдингми, обрўнинг кетмаверди. Бу эса вояга етгаётган фарзандларимиз келажатига салбий таъсир кўрсатишини унуттишга ҳарқимиз йўқи!

### КЎЧАДА

ЯҚИНДА бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. Шундоққина корхонага кириверишдаги дўкончада апельсин сотилаётган эди. Харидорлар тирiband. Давлат автомобилъ назоратининг белгиси туширилган машинада уч киши келиб қолди. Эгнилариди милиция кишими.

— Уртоқлар, апельсин фақат корхона ишчи-хизматчиларига сотилади, — эълон қилди сотувчи йигит. — Бошқалар навбат кутиб, бекорга вақтин кетказмасин.

Шу гапдан кейин кўпчилик тарқала бошлади. Аммо боғлиқ милиция ходимларидан бири сотувчининг олдига яқинроқ келиб:

— Бизга сотасиз! — деб қолди.

Йигит индамай, тарозидан апельсинларни харидорнинг халқасига солаётган эди, у айтган гапига яна такрорлади.

— Э, оворга бўласиз, ака, — деди сотувчи қайсарлиги тутиб. — Ўзи таги нам. Сизларга икки килодан тортиб берсам, мана бу қора кўзларга етмай қолади.

— Учрашиб қолармиз, ҳали, — деди милиция ходими зарда билан машинага ўтирар экан.

Бўлиб ўтган бу воқеадан кўпчилик ҳайрон бўлиб, бош чайқаб қолишди. Арамингиз бир-икки килограмм апельсинга деб, милиция ходими ўз шаънига доғ туширишига оз қолди. Бизнингча, кўчакўйда киши айниқса хўшёр бўлмоғи лозим. Негакки, одамлар жуда синчов.

Узингиз тўтишгиз, муомалаинг, ҳўнтагингиздан имтиёзли гувоҳнома олиб кўрсатишингиздан қайси идора ёки ташкилотда ишлашингиз дарҳол билиб олянда.

Шундай экан, ноқўра хатти-ҳаракатларимиз, салбий хулқ-атворимиз билан нафақат ўзимиз,

Агар эътибор берган бўлсангиз, ишон обрўсин, иззат-ҳурматни бўйича бўлиб жиҳатларингизга тизга олиб ўтдик, холос. Аслида бу мавзу кенг қамровли, ҳар қанча талқин қилса аранйди. Обрўни

### ИШХОНАДА

БАҲРОМ завод қошидаги ширкатда меҳнат қиларди. У иккинчи сменадда ишлаётганда шу жойда ишлаб чиқарилаётган лиқобчадан 150 тасини 11-че ёнига беринтиб қўлди. Ярим тунда эса рўзгор халқасига жойлаб, уйига олиб кетаётганда автобус бека-тида милиция ходимлари томонидан қўлга тушди. Энди 25 ёшини қоралаган Баҳром суд ҳукми билан жарима тўлаб, қийлини учун жазосини олди. Шу билан бирга ишхонада «ўтри» деган ном ортириб, ўз обрўини йўқотди.

Шунга ўхшаш хунув воқеалар иш жойларида ҳамон рўй бериб турибди. Ачинарлиси шундаки, бир киши ўғирликка қўл ураётган пайтда одатда ён-атрофдагилар талбех беришмайди. У нотўғри йўлга кириб, юан шувут бўлганда эса ораваротдан гапирувчилар кўлаб топиллади. Мана шу оладан воз кечганимиз кераклигини ҳамма тан олади-ю, камдан-кам одам амал қилади.

Ишхона — иккинчи уйинг, деб жуда тўғри айтилган. Чунки умримизнинг деярли ярми мана шу жойда ўтади. Шундай бўлгач одам ўз уйида ҳам ўғирлик қилади, деган ҳақли савол туғилади. Шу ҳақда ўйлар эканман маҳалламиздаги кўпна кўрган Иззат бува-нинг васиҳатлари ёдимга тушади: «Бирор корхона ёки ташкилотга ишга кирдингми, 5-6 йилгиз кетмагин. Қийинчиликларга бардош бериб, доимо жамоа билан бирга бўл. Ҳали у ишдан бу ишга ўтаверсанг, ўғирликка қўл урсанг обрўнинг ҳам йўқолиб бораверади. Буни асло унутма, болам».

сақлаш учун яна нималарга эътиборни қаратиш зарур? Балки бу борада Сизларнинг ҳам фикр-мулоҳазаларингиз бордир, азиз муштариолар.

Саъдулла ШОДИЕВ.

## МАБЛАҒ КЕРАКМИ?

### ҲЕЧ ҚАНДАЙ МУАММОЛАР ЙЎҚИ

## «Ўзбек Савдо уйи»

экспорт — импорт LTD

фирмаси

**АКЦИЯЛАР**  
СОҲИБНИНГ НОМИ КЎРСАТИЛГАН, ИМТИЕЗЛИ НОМИНАЛ 1000 сўмлик

Ташкилотлар ва хусусий шахслар

**БУНДАЙ АКЦИЯЛАРНИНГ СОҲИБЛАРИ БУЛИШЛАРИ МУМКИН.**

Акция соҳибларига молиявий йил якулига кўра 20 фонзли курс бўйича кўшимча даромад кафолатланади.

Акцияларни сотиш, олиб сотиш ҳамда уни турли йўллар билан бошқалар ихтиёрига ўтказиш

«Ўзбек савдо уйи» фирмасининг розилиги билан ва фақат фирмага рўйхатдан ўтказилгандан сўнг амалга оширилади.

**АКЦИЯЛАРНИНГ ҚИЙМАТИНИ ҚАЙТАРИШ:**

Акциялар харид қилингандан сўнг ўтган бир йилдан кейин акцияларнинг соҳиб акцияларнинг тўла қийматини ва 20 фонзли курс бўйича кўшимча қийматини олиш ҳуқуқига эга бўлади.

СОҲИБНИНГ НОМИ КЎРСАТИЛГАН, ОДИИ НОМИНАЛ 50000 сўмлик 100000 сўмлик Ташкилотлар ва хусусий шахслар

Бундай акцияларнинг соҳиблари бўлишлари мумкин

Молиявий йил якулига кўра акция эгаларига фойданинг бир қисмини акциядан келган даромад сифатида олиш ҳуқуқига кафолатланади.

100 000 сўмлик номинал қийматга эга битта акция битта овоз бериш ҳуқуқини беради.

50 000 сўмлик номинал қийматга эса икки акциядан иборат пакет битта овоз бериш ҳуқуқини беради.

Акцияларни сотиш, олиб сотиш ҳамда уни турли йўллар билан бошқалар ихтиёрига ўтказиш

Фақатгина «Ўзбек савдо уйи» фирмасининг розилиги билан ва фирмага рўйхатдан ўтказилгандан сўнг амалга оширилади.

**АКЦИЯЛАРНИНГ ҚИЙМАТИНИ ҚАЙТАРИШ:**

Харид қилингандан сўнг ўтган бир йилдан кейин акцияларнинг соҳиб акцияларнинг тўла қийматини ҳамда акциядан келган даромаднинг олиш ҳуқуқига эга бўлади.

СИЗЛАРНИ

1000 СЎМЛИК  
10.000 СЎМЛИК  
100000 СЎМЛИК  
АКЦИЯЛАР БИЛАН



50 000 СЎМЛИК  
100.000 СЎМЛИК  
АКЦИЯЛАР БИЛАН

ТАЪМИНЛАЙДИ

КЎРСАТУВЧИГА БЕРИЛАДИГАН, БИРОҚ ЭГАСИНИНГ НОМИ КЎРСАТИЛМАГАН, ОДИИ НОМИНАЛ

100 000 сўмлик

Ташкилотлар ва хусусий шахслар

**БУНДАЙ АКЦИЯЛАРНИНГ СОҲИБЛАРИ БУЛИШЛАРИ МУМКИН.**

Молиявий йил якулига кўра акция эгаларига акциядан тушган фойдадан баҳраманд бўлиш ҳуқуқига кафолатланади.

Акцияларни сотиш, олиб сотиш ва турли йўллар билан бошқалар ихтиёрига ўтказиш

«Ўзбек савдо уйи» фирмасининг рухсатисиз амалга оширилади.

**АКЦИЯЛАРНИНГ ҚИЙМАТИНИ ҚАЙТАРИШ:**

Харид қилингандан сўнг бир йил ўтган акцияларнинг соҳиб акция қиймати ҳамда ундан тушган фойдани олиш ҳуқуқига эга бўлади.

### АКЦИЯЛАРГА ЕЗИЛИШ

Опцион шартномалар тузиш орқали амалга ошириладаромад тўланадиган имтиёзли облигациялар қаторига ўтади.


Акцияларнинг 1 эмиссиясининг амал қилиш муддати тугагандан сўнг «Ўзбек савдо уйи» томонидан эълон қилинган муҳлатларда ўз вақтида қиймати қайтарилиб олинилмаган бўлса акциялар ўз-ўзидан йилга 20 фонзли

### АКЦИЯЛАРНИ СОТИШ

Ўзбекистон саноат қурилиш банкнинг бўлиmlари, «Союзсочет» идоралари ҳамда «Ўзбек Савдо уйи» тарқатувчилари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси, 700000. Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 24-уй. Телефонлар: 35-37-90, 34-85-09, 34-84-79, 34-98-31. факс: 34-64-50. Телеграм: 116 384. Телекс: 116108 РТВ

## ТИЖОРАТ ЖАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР



ТАШКИЛОТЛАР ВА ХУСУСИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА:  
Москва ва Москва атрофидаги квартираларни, маъмурий биноларни, гаражлар ҳамда дала ҳовлиларни узоқ муддатга ижарага олишни хоҳловчилар учун сервис хизматларини ТАКЛИФ ЭТАМИЗ  
Москвадаги телефонлар/095/475-20-40, 398-32-20, 511-35-72.  
Маълумотлар олиш учун Тошкентдаги телефон 34-99-08.

Октябрь районидagi 65-ўрта мактаб томонидан Турсунова Гулнора номинга берилган 118632-рақамли йўқолган тўлиқсиз ўрта маълумот тўғрисидаги гувоҳнома

Оқунбобоев номли медицина билим юрти томонидан Турсунова Гулнора номинга берилган 081164 рақамли йўқолган диплом

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

СУВ ЙЎЛЛАРИ ВА СУВ ҚУВУРИ ТАРМОҚЛАРИДА ТАЪМИРЛАШ-ЭҲТИЁТ ИШЛАРИ ОЛИБ БОРИЛИШИ, ШУНИНГДЕК 1992 ЙИЛГИ БАҲОРГИ-ЕЗГИ МАВСУМДА ИШЛАШ УЧУН ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН,

«Водоканал» трести шаҳар сув қузури абонентларига қуйидаги қунарларда ва манзилларда **СОВУҚ СУВ БЎЛМАСЛИГИ ВА СУВ ҚУВУРИ ТАРМОҚЛАРИДА БОСИМНИНГ ПАСАЙИШИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ**  
14 апрель соат 9.00 дан 15 апрель 9.00 гача Киров, Куйбисhev, Ленин, Фрунзе районларида: сув босими пасаяди.  
14 апрель соат 9.00 дан 15 апрель соат 20.00 гача Киров районида: «1, 2-Қарл Маркс» маҳаллалари, Энгельс кўчасидаги 115, 117-уйлар, Шаҳристон кўчасининг Энгельс кўчасидан А. Домиш кўчасигача бўлган қисмида — сув бўлмайди.  
15 апрель соат 9.00 дан 16 апрель соат 9.00 гача Ленин, Чилонзор, Фрунзе районларида — умуман Акмал Икромов районига қисман сув босими пасаяди.

Ленин районида: Кафанов, Марказ—7, «Ўзбекистон 50 йиллиги» даҳалари, Лоҳутий кўчаси ва шу райондаги корхоналарда — сув бўлмайди.  
Фрунзе районида «Баранов» даҳаси, Глинка, А. Авлоний, Танкчилар кўчалари, Б. Бобоев кўчаси, 155-уй, Ш. Руставели кўчаси, 30, 32, 34, 35-уйлар, Бобур кўчаси, 7, 9, 11, 13, 15, 17, 21-уйларда — сув бўлмайди.  
Сув бўлмаган жойларга сув ташийдиган машиналар юборилади.  
Маълумотлар олиш учун телефонлар: 33-15-95, 33-75-95, 56-60-06.

ЙУЛОВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!  
Канализация қузури Ҳужаев кўчалари орқали, этқизиллиш билан боғлиқ ишларнинг амалга оширилиши ва автотранспорт ҳаракати қисман ёпилиш шартли такси ҳаракати Гвардия полковниги Хужаев кўчасида 1992 йил 14 апрелдан шу йилнинг 30 июнига қадар 97-АВ-ТОБУС йўналиши ва 8-МАРШРУТЛИ ТАКСИ ҳаракати бир йўналишида — Гвардия полковниги Хужаев кўчасидан бош-

лаб Киев, Ҳабиба Юсупова, Гвардия полковниги Хужаев кўчалари орқали, ундан у ёнига ўз йўналишларини амалга оширилади. Орқага қайтишда эса автобус йўналиши ва марши шартли такси ҳаракати ўзгартириш қолади.  
Маълумотлар олиш учун телефонлар: 34-82-87, 96-22-90.  
Тошкент шаҳар барча турдаги йўловчилар транспорт ишини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш бoшқармаси.

КОМУСЛАР ичида энг мураккаб ва қизқарилган қийин лугатлар ҳисобланади. Чунки унда бир неча тилдаги мисоллар бир-бирлари билан қиёсланади, таққосланади.

изохланган. Лугат минг бетдан ортққ бўлиб, унга кириш (3-бет), сўз боши (3 бет), айрим ҳарфлар ҳақида (1 бет) қисқичча грамматик қисм (30

жон Эржилаевун рақбарлигидаги бир гуруҳ йирик туркушунослар қатнашганлар. Улар иккинчи қозоқ профессори Эрдон Ҳожибек, уйғур олимани Вали-

## \* Янликдан хабарингиз борми? ЎН ТИЛЛИ ҚИЁСИЙ ЛУГАТ

бет), сўхбатлар (30 бет) илова қилинган. Ушбу қомус туркий халқлар тилшуносларининг ҳамжиҳатлиги натижасида вуқудга келганлиги билан тақдирга сазовордир. Унинг яратилишида турк профессорни Аҳмад Бир-

нур Мохфиров, қирғиз тилшуноси Қодирали Қўнқабоевлар бор. Лугатнинг ўзбекча қисми Ўзбекистон Фанлар академияси Тилшунослик илм-гоҳининг катта илмий ходими, филология фанлари номзоди Бердак Юсупов томонидан

## \* Ҳодиса БЎРИ БИЛАН ОЛИШУВ


дат билан ташланди. Шодмонли эпичлиги қилиб энгашиб зарб билан мушт туширди. Бўри мушт тушириб, устидан ўтказиб юборди. Узини ўнглаб олган бўри яна хунувага шайланди. Шодмонли бўрининг

томоғи аралаш жағдан ушқалаб олди. Аммо Яирткич унинг оёғига тишларини бондиртиб улгурган эди. Шодмонли

тирляниб, ташқарига югуриб чиққан хотини юз бераётган воқеани кўргач, шошганича болта келтириб, Шодмонлининг қўлига тутқазди. Кучли зарб билан урилган болта бўрини ер тишлатди. Шодмонли эса шифохонага мурожаат этиб, ўзини даволади. Лекин оёғида бўри тишларининг изи эсдалик бўлиб қолди...

Тонр ШОМИРОВ.  
ОҚШОМХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!  
Ўзномаининг навабтадиган со-нин 16 апрелда чиқад.

Муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.



МУАССИСЛАР:  
Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси

Телефонлар:  
цабулконе — 32-53-76,  
затлар — 33-29-79,  
32-53-79;  
эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалаларини бўйича — 33-81-42, 32-55-34, 33-56-67.

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилик учун жавобгарлик уларин берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашрият-матбаачилик концерни, 700000, ГСП, Тошкент, «Правда» рўзномаси кўчаси, 41.